

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“АХБОРОТ СОАТИ”
МАТЕРИАЛЛАРИ

Ҳафтанинг ижтимоий – сиёсий воқеалари
(2015 йил 14- декабрдан 19-декабргача)

№15

Тошкент – 2015

ДЕМОКРАТЛАШТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги ушбу органлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати амалга оширилишини таъминлашга хизмат қилади, уларнинг фаолияти, қабул қилган қарорлари тўғрисида фуқароларнинг бевосита хабардор бўлишига имкон яратади. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 5 майда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонуни бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги қонун ижросига бағишлаб ташкил этилган анжуманда шулар ҳақида гап борди. Қуйи палатанинг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда қонуннинг Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Фарғона вилоятидаги давлат органлари тизимидаги ижросини ўрганиш яқунлари таҳлил этилди. Қонунда энг илғор демократик тажрибадан келиб чиқиб, ахборотдан фойдаланувчиларнинг сўровларини давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан кўриб чиқишнинг аниқ муддатлари белгиланган. Чунончи, ахборотдан фойдаланувчининг сўрови сўров рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади. Оммавий ахборот воситасининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи фаолияти ҳақида ахборот олишга ҳамда мансабдор шахсларнинг интервьюсини ташкил этишга доир сўрови эса етти кундан кечиктирмасдан кўриб чиқилади. Мазкур қоидалар фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига оид ахборотни ўз вақтида олишини кафолатлаш билан бирга, оммавий ахборот воситаларининг янада тезкор ва самарали фаолиятини таъминлашда катта қулайлик яратди.

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ “ЮКСАК МАЪНАВИЯТ – ЕНГИЛМАС КУЧ” АСАРИ АРАБ ТИЛИДА ЧОП ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 15 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Қатар давлатининг Ўзбекистондаги Фавкулотда ва Мухтор Элчиси этиб янги тайинланган (қароргоҳи Техронда жойлашган) Али бин Хамад Али ал-Сулайтини қабул қилди. Элчи Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Ишонч ёрлиғини топширди. Бўлиб ўтган суҳбат давомида икки томонлама муносабатларни БМТ, Ислом ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ривожлантиришнинг истиқболлари кўриб чиқилди. Қатар Элчиси мамлақати раҳбарининг Ўзбекистон билан ўзаро манфаатли соҳаларда, хусусан сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга тайёрлигини билдирди. Али бин Хамад Али ал-Сулайтининг таъкидлашича, Қатарнинг Ўзбекистонга бўлган катта қизиқишини ва унинг Президентига бўлган ҳурматини, Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг Доха шаҳрида араб тилида чоп этилганидан ҳам билиш мумкин. Учрашувда томонлар бир қатор халқаро ва минтақавий масалаларда ўзаро фикр алмашдилар.

БРАЗИЛИЯ БИЛАН САВДО-ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

Ўзбекистон қулай ҳамкорлик режимини ўз ичига олган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолаган давлатлар рўйхатини Бразилия билан тўлдирилди. Ўзбекистон Республикаси қулай таклифлар ва имтиёзлар асосида ўзаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган мамлакатлар рўйхати 46 тага етди. 2009 йилнинг 28 май куни Бразилияда Ўзбекистон ва Бразилия ҳукуматлари ўртасида иқтисодий ва савдо ҳамкорлиги тўғрисидаги шартнома имзоланган эди. Мазкур ҳужжат 2015 йилнинг 17 август куни кучга кирган. 2015 йилнинг 11 декабрь санасида эса Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар,

инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Давлат божхона қўмитасининг ҳамкорликдаги қарори асосида эса қулай ҳамкорлик режимини ўз ичига олган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалар имзоланган давлатлар рўйхатига қўшимча киритилди. Мазкур ҳужжат 14 декабрь куни кучга кирди.

БЎЛАЖАК ЎЗБЕКИСТОН-ЯПОНИЯ МУНОСАБАТЛАРИ ЮЗАСИДАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

17 декабрь куни Ташқи ишлар вазирлигида Япониянинг фавқулодда ва мухтор элчиси Фумихико Като билан учрашув бўлиб ўтди. Сухбат чоғида икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари, аввало Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Япония бош вазири Шиндзо Абэнинг 2015 йилнинг октябрь ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган музокаралари жараёнида эришилган келишувларни амалга оширишнинг айрим жиҳатлари муҳокама қилинди. Учрашувда турли даражадаги бўлажак Ўзбекистон-Япония муносабатларининг жадвали ва уларнинг кун тартиби юзасидан ҳам фикр алмашилди.

ОТБ ЎЗБЕКИСТОНГА 150 МЛН ДОЛЛАР КРЕДИТ ТАҚДИМ ЭТДИ

Осиё тараққиёт банки директорлар кенгаши 9 декабрь куни Ўзбекистонга 150 миллион доллар миқдорида кредит тақдим этилиши ҳақидаги қарорни маъқуллади. Маблағ миллий автомагистраль қурилишига қаратилади. ОТБ кредити банкнинг оддий ресурсларидан тақдим этилмоқда. Ўзбекистон ҳукуматининг ўзи лойиҳа ижросига 80 миллион доллар ажратади. ОТБ маълумотларига қараганда, кредит маблағлари А-380 “Ғузор-Бухоро-Нукус-Бейнов” автоўли реконструкциясига йўналтирилади. Бу ОТБнинг миллий автомагистрал қурилишини молиялаштириш бўйича 500 миллион долларлик мультитранш молиялаштирилиши доирасидаги учинчи траншдир.

Эслатиб ўтамиз, мультитранш молиялаштириш дастури ОТБ томонидан 2011 йил сентябрида тасдиқланган эди.

ЭЛЕКТРОВЕЛОСИПЕД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КЎПАЯДИ

Хоразм вилояти Қўшқўпир туманидаги электровелосипед ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Қўшқўпиртехноимпекс» масъулияти чекланган жамияти 2015 йилда 150 минг доллар миқдоридаги инвестиция киритилиши ҳисобидан ўз фаолиятини бошлаган эди. Ҳозиргача савдо шохобчаларига замонавий аккумулятор батареялари билан жиҳозланган 200 дона электровелосипед етказиб берилди. 2016 йилда уч мингта электровелосипед ишлаб чиқариш ва асосан ички бозорда сотиш режалаштирилган.

ХОРИЖЛИК МЕҲМОНЛАРГА “ЯШИЛ КОРИДОР” ТАҚДИМ ЭТИЛАДИ

“Ўзтемирйўлйўловчи” акционерлик жамияти 10 декабрь куни мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сайёҳлик бизнеси вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда темир йўл хизматларини кўрсатиш соҳасидаги ривожланиш истиқболларини намойиш қилди. Компания вакиллари 2016 йилда янги “Афросиёб” поездлари ҳисобига тезюарар поездлар арсеналининг кенгайтирилиши, соҳага чипталарига он-лайн буюртма бериш ва уларни сотиб олиш, хорижлик меҳмонларга “яшил коридор”ларнинг тақдим этилиши ва бошқалар тўғрисида маълумотлар бериб ўтишди. Учрашув жараёнида мавжуд айрим камчиликларнинг бартараф этилиши мамлакатимизнинг сайёҳлик имиджига ижобий таъсир этиши ва темир йўллардан фойдаланувчи йўловчилар сонининг ортишига хизмат қилиши таъкидлаб ўтилди.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК КУРАШЧИЛАР ТУРНИР ҒОЛИБИ

12-13 декабрь кунлари Латвиянинг Даугавпилс шаҳрида юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида спорт устаси Павел Крупенин хотирасига бағишланган халқаро жамоавий турнир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси полвонлари биринчи ўринни қўлга киритишди. Ўзбекистонлик курашчилар финалда Россия терма жамоасини мағлубиятга учратишган. Дастлаб Литва, Швеция ва Беларусь терма жамоалари мағлубиятга учратишга муваффақ бўлган.

Мусобақада Ўзбекистон терма жамоаси шарафини Жавоҳир Мираҳмедов (55 кг), Қамариддин Зайниддинов (60 кг), Мирзобек Раҳматов (66 кг), Абубақр Алимов (74 кг), Жалгас Бердимуратов (84 кг), Эрматбек Шерматов (96 кг) ва Далер Раҳматовлар (120 кг) ҳимоя қилишган.

MATIZ VA ORLANDO РОССИЯДА “ЙИЛ АВТОМОБИЛЛАРИ РЎЙХАТИ”ГА КИРДИ

Ўзбек автомобиллари ўз ўйналишлари бўйича йилнинг топ-20 рўйхатига кирди. Uz-Daewoo Matiz “Аёллар автомобили” йўналишида 4-ўринни қўлга киритди. Рўйхатни Kia Picanto, Nissan Juke ва Hyundai Solaris бошқариб турибди. Uz-Daewoo Matiz ўзининг рақобатчилари Mazda 3, Audi A1 ва Toyota RAV 4 дан илгарилаб кетган. “Оилавий автомобиль” йўналишида Chevrolet Orlando 12 ўринни банд этган. Ушбу йўналиш рўйхатини Lada Largus бошқариб турибди. Иккинчи ва учинчи ўринларда — Volkswagen Touran ва Hyundai H-1 бормоқда. Synovate Comcon тадқиқот компанияси томонидан ўтказилган ушбу сўровда 40 мингга яқин киши қатнашган.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ РОССИЯГА НИСБАТАН САНКЦИЯЛАРНИ УЗАЙТИРДИ

Санкциялар амалдорлар ва россияликлар, шунингдек, молия, энергетика ва хавфсизлик соҳаси бўйича 2016 йилнинг июль ойига қадар узайтирилди. Агар Европа Иттифоқи аъзоларидан бирор-бири ўз фикрини ўзгартирмаса, ҳужжат кейинги ҳафтанинг душанба кунидан кучга киради.

ОЛИМЛАР САЙЁРАНИНГ ҚАЙСИ НУҚТАСИГА ЧАҚИН КЎПРОҚ ТУШИШINI АНИҚЛАШДИ

Ер сайёрасида чақинларга энг кўп дучор бўладиган ҳудуди Венесуэладаги Маракайбо кўли экан: унинг устида йилига тахминан 297 кун давомида чақин чакнаб туради. Тадқиқот натижалари ҳақида Америка геофизика иттифоқи конференцияси чоғида айтилди. Иш давомида тадқиқотчилар NASA'нинг 1998 йилдан 2003 йилга қадар олган суратларини ўрганиб чиқишди. Аниқланишича, чақин Маракайбо кўлининг Кататумбо дарёсига қуйиладиган жойига энг кўп урар экан. Иккинчи ва учинчи ўринларни Кабаре (Конго Демократик Республикаси Жанубий Киву вилояти) ва Кампене (Конго Демократик Республикаси) ҳудудлари эгаллади. Олимларнинг таъкидлашича, уларнинг кўлидаги суратлар жуда равшан бўлиб, чақин зарбини 11 км аниқлик билан белгилаш имконини берган.